

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10844813>

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Алмарданов Жўрабек Бобоназарович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада оилада болаларни миллий ва маданий қадриятлар руҳида тарбиялаш педагогик муаммо сифатида ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Миллий менталитети, одоб, ахлоқ, илмлилик, изланувчанлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, хушмуомалалик, ишонч, садоқат, вафодорлик, меҳр оқибат, болажонлик, меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, дўстлик, бурч ва мажбурят.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о воспитании детей в семье в духе национальных и культурных ценностей как педагогической проблеме.

Ключевые слова: Национальный менталитет, порядочность, нравственность, ученость, любознательность, трудолюбие, смирение, вежливость, доверие, верность, доброта, ребячество, гостеприимство, уважение к взрослым, честь к детям, дружба, долг и обязанность.

“Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган ҳалқ абадий қадриятларни қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш, жамиятни

ривожлантириш тараққий этиришнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади”. “Маълумки ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган .Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳаёт момот масаласига айланиб бормоқда”(Ш Мирзиёев.)

Жамиятни энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Оила, эр ва хотиннинг ихтиёрий ўз хоҳиш ва истакларига кўра тенг ҳуқуқликка асосланган никоҳ тузиш орқали вужудга келади.

Миллий менталитетимизга кўра оиланинг ташкил топишида ота оналарнинг розилиги оиланинг мустаҳкам бўлишида муҳим омилдир. Оила бу жамиятни кичик бир бўғини бўлсада давлат ва жамият тараққиётини ривожланишида муҳим рол ўйнайди давлатчилигимизнинг энг қадимги даврлариданоқ оила масаласига алоҳида эътибор билан қарашган. Зардўштиларнинг муқаддас китоби Авестода ҳам эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлиги давлат ва жамият бошқаруви ва бола тарбиясида биргаликдаги фаолияти қайд этилган. Мустақилликка эришган кунимиз биз учун энг улуғ бахт бўлдики, ҳар-бир оиланинг турмуш тарзи ва кундалик ҳаётида миллийлик, миллий қадриятлар қайта жонланди. Собиқ шўролар даврида миллийлигимизга, миллий қадриятларимизга, мафкуравий жиҳатдан тажовуз қилиниб, байрамларимиз, урф -одатларимиз, анъана ва маросимларимизнинг илдизига болта урилган эди. Мустақиллик бизга том маънода ўзлигимиз қадриятларимиз ва байрамларимизни қайтариб берди.

Шарқона миллий оиланинг ўзаги одоб, ахлоқ, илмлилик, изланувчанлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, хушмуомалалик, ишонч, садоқат, вафодорлик, меҳр оқибат, болажонлик, меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, дўстлик, бурч ва мажбурятни ўз ичига олади. Оилада миллий қадриятларни фарзандларга ўргатиш имкониятига эга бўлдики, миллий қадрият кишилиқ тарихида инсон, инсоният, жамият, давлатлар, этник бирликлар, уруғ, қабила, элат, миллатларнинг келиб чиқиши уларнинг миллийлиги билан изоҳланади.

Тарихга назар ташласак, давлатлар ўртасидаги миллий кадриятлар ҳам бир - бирига ўхшаб кетади, мисол учун Хитойда Конфуций таълимотида оила ва никоҳ, фарзандлар тарбияси ҳақида яхши фикрлар бор. Конфуций фикрича, дунёдан бефарзанд ўтиш ва ўзидан насл қолдирмаслик нафақат шу инсоннинг ёки хонадоннинг, балки бутун бир жамиятнинг фожиасидир.

Оила қонунларига кўра оила таркибининг кенгайиши, камол топиши, фарзандларни туғилиши кўпайиши билан белгиланади. Ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор экан- фарзанд бор, фарзанд бу бебаҳо неъмат бор экан, одамзот ҳаминша эзгу интилишлар билан яшайди. Оилавий муносабатларда оиладаги муҳит тарбияга қараб аниқланади. Таълимни тарбиядан. тарбияни эса таълимдан, ажратиб бўлмайди, бу шарқона қараш ҳаёт фалсафаси ҳақида фикр юритганда Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё момот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларини ёдга оламиз, Тарбия жараёни туғилган кундан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади. А. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чеклаб қўймайди. „Соғ танада соғ ақл деган ҳикматни бежиз эмаслигини яхши билади”. Баданнинг саломат қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур, чунки ўқимок, ўрганмоқ, ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.” Инсонлар турмуш тарзида миллийлик шарқона одоб, ахлоқ асосида намоён бўлади¹.

Оилада , миллий тарбия тушунчаси кўп қиррали тушунчадир. Миллий кадриятлар асосида олиб борилиши, умуминсоний тарбияни ҳар бир халққа мос бўлиши, ЮНЕСКО тамойили асосида халқ маданиятини ривожлантириш миллатлараро муносабатларда тинч -тотув яшаш, халқларни ҳақ- ҳуқуқларини, урф-одат ва маросимларини ҳурмат қилиш қоидаларига асосланади. Оилада кекса ёшли бобо ва момоларнинг бўлиши ўша хонадондаги бобо ва момоларнинг

¹ А. Авлоний Танланган асарлар Т „ Маънавият” 1998 й 31.6

ўрни улғаяётган фарзандларни тарбиясида яққол кўзга ташланади, ахлоқий, ақлий, миллий, меҳнатсеварлик тарбияси ва панд -насиҳатлари билан фарзандларда инсоний фазилатларнинг шаклланишида бурч ва масъулиятни англашида ўз ҳиссасини қўшадилар, набираларига тўғри йўл кўрсатади.

Катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, одоб, одатларни билишга яқиндан ёрдам беради. Урф- одат, маросим, байрамлар ҳар бир оилада нишонланади. Қариси бор уйнинг париси бор деганлари рост . Тўйларда ва байрамларда кексалар бор жойда файз барака бўлади, чунки улар юрт тинчлигини, осайишталигини, фарзандларнинг соғлиги, илмли инсон бўлишини, оллоҳдан сўраб дуо қиладилар, хонадонларда тинчликни, меҳр-оқибатни, оға -инилик, қон -қариндошлик, ришталарини мустаҳкамлашда ўз эзгу ниятлари билан, фарзанд тарбиясида муносиб ҳисса қўшадилар.

Янгилиниш жароёнининг бошланиши шамсия, Қуёш йили ҳисобига тўғри келади бу кун “Наврўз” деб аталган. Абу Райхон Беруний бундай ёзади, Наврўз янги йилнинг биринчи куни бўлиб Эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда улар йилларини кабисам қилган вақтларида Қуёшнинг саратон буржига киришга тўғри келар эди сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Баҳор ёмғирининг биринчисини тўкишидан бошланади гуллар очилади ўсимликлар униб чиқа бошлангунча давом этган вақтга тўғри келади.” Берунийнинг таърифича, афсунгарлар Наврўз куни бировга гап қўшишдан олдин асал уч қошиқ ялаб уч бўлак мум тутатса, бу кўп касаликка шифо бўлармиш. Ёки шу куннинг тонгида гап гапиришидан олдин шакар тотиб, ўзига зайтун тутган кишидан йил бўйи турли балолар даф этилади деган иримлар бўлган¹.

¹ Абу Райхон Беруний Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар 1957 й., 43 б.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алмарданов, Ж. Б. (2022). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(3), 479-481.

2. Almarданov Zhurabek Bobonazarovich (2021). THE ROLE AND INFLUENCE OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE IN THE DEVELOPMENT OF RESPECT FOR NATIONAL AND CULTURAL VALUES IN CHILDREN IN THE EDUCATIONAL ENVIRONMENT. *European science*, (4 (60)), 53-56.

3. Алмарданов Журабек Бобоназарович (2020). Механизмы воспитания уважения к национальным и культурным ценностям у детей в образовательной среде. *Вестник науки и образования*, (7-2 (85)), 92-94.

4. Almarданov, J. R. B. (2023). QADRIYATLAR MAZMUNI VA UNING INSON HAYOTIDAGI O'RNI MASALASI. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(10), 103-105